

---

## ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА ОИЛАВИЙ БОЛАЛАР УЙЛАРИ СОНИ 9 ТАГА ЕТДИ

Кеча Фарғона вилоятида яна учта Оилавий болалар уйи очилди ва уларнинг сони тўққизтага етди

Хусусан, Данғара туманида Бердиевлар оиласи Қўқон шаҳридаги 12-сонли Меҳрибонлик уйидан 5 нафар ўғил-қизни ўз тарбиясига олиб, "Болалар бахти" номли оилавий болалар уйи фаолиятини йўлга қўйди.

Ўзбекистон тумани Яйпан шаҳар "Боғи Эрам" маҳалласида яшовчи Мадрахимовалар оиласи эса яшаш хонадонларида оилавий болалар уйи фаолияти йўлга қўйиб, мазкур меҳрибонлик уйидан 8 нафар ўғилни ўз тарбиясига олишди.

Шунингдек, Тошлоқ тумани, "Шодлик" маҳалласи Бунёдкор кўчаси, 18-уйда яшовчи Каримқуловлар оиласи Марғилон шаҳрида жойлашган 1-сонли Меҳрибонлик уйидан 6 нафар тарбияланувчини олиб, "Янги давр келажак авлодлари" номли оилавий болалар уйини ташкил этишди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)  
2021-10-27 19:17:24